



ТЕМИРҮО‘ЛСНИ

Temir yo‘llar mamlakatimiz iqtisodiyoti-ning qon tomiridir.

Gazeta 1933-yildan chiqa boshlagan



О‘ЗБЕКИСТОН ТЕМИРҮО‘ЛЧИЛАРИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2026-yil • 25-iyun • payshanba • № 24 (6604)

■ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

ТЕМИР ЙЎЛ СОҲАСИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ БЎЙИЧА КЕЛИШУВ ИМЗОЛАНДИ



Ўтган ҳафта V Тошкент халқаро инвестиция форуми доирасида “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти ва Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) ўртасида “Транспорт ва магистраль ҳаракатни бошқариш ҳамда кибербарқарорликни ошириш бўйича ахборот тизимларини жорий этиш” лойиҳасини амалга ошириш бўйича келишув имзоланди.

Лойиҳа темир йўл соҳасини янада рақамли трансформация қилиш, ташишларни бошқариш жараёнларини такомиллаштириш ва тармоқ фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган. Лойиҳанинг амалга оширилиши темир йўл транспортини ривожлантириш ва кўрсатилмаган хизматлар сифатини ошириш учун замонавий шарт-шароитлар яратиш имконини беради.

Лойиҳанинг муҳим таркибий қисми “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти ахборот инфратузилмасининг барқарорлиги ва ишончилигини мустаҳкамлашдан иборат бўлиб, бу жамиятнинг асосий бизнес жараёнларининг барқарор ва хавфсиз ишлашини таъминлашга хизмат қилади.

Битимнинг имзоланиши “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятини модернизация қилиш дастурини амалга ошириш йўлидаги навбатдаги қадам бўлиб, жамиятнинг илғор технологияларни жорий этиш, операцион самарадорликни ошириш ва Ўзбекистон Республикасининг транспорт-логистика салоҳиятини ривожлантиришга бўлган интилишини акс эттиради.

10 ТА ЗАМОНАВИЙ ЭЛЕКТРОПОЕЗД ЕТКАЗИБ БЕРИШ БЎЙИЧА ШАРТНОМА ТУЗИЛДИ

Ўтган ҳафта Тошкент халқаро инвестиция форуми доирасида шаҳар атрофи ташувлари оператори “Шаҳар атрофида йўловчи ташиш” масъулияти чекланган жамияти (“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ) ва Чехиянинг Skoda Transportation компанияси ўртасида шартнома имзоланди. Томонлар Ўзбекистон Республикаси эҳтиёжлари учун 10 та замонавий электропоезд етказиб бериш бўйича шартнома туздилар.

Лойиҳа мамлакат темир йўл инфратузилмасини модернизация қилишга қаратилган. Унинг амалга оширилиши илғор Европа технологияларидан фойдаланган ҳолда ҳаракатланувчи таркиб паркинни янгилаш, йўловчи ташиш сифати ва қулайлигини халқаро хавфсизлик ва энергия самарадорлиги стандартлари даражасига кўтариш имконини беради.

Янги ҳаракатланувчи таркиб замонавий бошқарув ва ҳавони кондициялаш тизимлари билан жиҳозланади. Ушбу ечимлар Ўзбекистон аҳолиси ва меҳмонлари учун саёҳат пайтида юқори даражадаги қулайликни таъминлайди.



Ташаббуснинг муҳим қисми – Ўзбекистонда техник хизмат кўрсатиш бўйича қўшма корхона ташкил этишдан иборат бўлади. Бу мамлакат ичида поездларнинг тезкор хизмат кўрсатишини таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш ва маҳаллий темир йўл тармоғини янада ривожлантиришга хизмат қилади. Битимнинг имзоланиши Ўзбекистон ва Чехия Республикаси ўртасида транспорт соҳасидаги ҳамкорлик мустаҳкамлашиб бораётганини ҳам тасдиқлайди.

“ҚУМҚЎРҒОН – ҚУДУҚЛИ” ТЕМИР ЙЎЛ УЧАСТКАСИ ЭЛЕКТРЛАШТИРИЛМОҚДА

УШБУ ЛОЙИҲА ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛГАЧ, ҲУДУДДАН ЎТУВЧИ ШАҲАРЛАРАРО ВА ЙЎЛОВЧИ ПОЕЗДЛАРИНИНГ ҲАРАКАТ ВАҚТИ 45 ДАҚИҚАГА, ЮК ПОЕЗДЛАРИНИНГ ЕТИБ БОРИШ МУДДАТИ ЭСА 1 СОАТ 15 ДАҚИҚАГА ҚИСҚАРАДИ.



Мамлакатимизда темир йўл инфратузилмасини модернизация қилиш, замонавий логистика тизимини яратиш ва экологик барқарорликни таъминлашга қаратилган кенг қўлми стратегик лойиҳалар изчил давом эттирилмоқда.

Ана шундай муҳим лойиҳалардан бири – “Қумқўрғон – Қудуқли” темир йўл участкасини электрлаштириш жараёнидир. Бугунги кунда ушбу йўналишда “1-сон Энергомонтаж поезди” масъулиятини жонкуяр жамоаси томонидан қурилиш-мон-

таж ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда.

Мазкур лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2025 йил 27 декабрдаги “2030 йилга қадар темир йўл транспортда маҳаллий йўналишларда йўловчи ташиш кўрсаткичларини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 391-сонли қарорига мувофиқ темир йўл транспортда маҳаллий йўналишларда йўловчи ташиш ҳажмини ошириш, хизматлар сифатини яхшилаш ҳамда замонавий транспорт инфратузилмасини яратишни таъмин-

лаш доирасида амалга оширилмоқда.

Шунингдек, ушбу лойиҳа давлатимиз раҳбарининг 2025 йил 16 июлдаги видеоселектор йиғилиши бўйича топшириқлари ҳамда “Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг “Атроф-муҳитни асраш ва яшил иқтисодиёт” йилида амалга оширишга оид давлат дастури вазифаларига ҳамроҳ равишда ҳаётга татбиқ этилаётган.

Лойиҳа буюртмачиси “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бўлиб, қурилиш-монтаж ишларининг барчаси “1-сон Энергомонтаж поезди” масъулияти чекланган жамиятининг 67 нафар талакали ишчи-ходими томонидан олиб бориляпти.



Корхона жамоаси темир йўл тармоқларини электрлаштириш, электр таъминоти тизимларини қуриш ва реконструкция қилиш, ҳаво электр узатиш ҳамда кабель линияларини янгилаш, шунингдек,

электр қурилмаларини синовдан ўтказиб, фойдаланишга топшириш борасида ишларни юқори маҳорат билан изчил давом эттирмоқда.

Умумий қиймати 886 миллион 100 миллион сўмни ташкил этувчи ушбу лойиҳа доирасида “Қумқўрғон – Қудуқли” йўналишининг 81 километр узунлигидаги участкаси

электрлаштирилмоқда.

Мазкур лойиҳага кўра, электрлаштириладиган йўлларнинг умумий узунлиги 103 километри ташкил этиб, мавжуд 7 та станция замонавий инфратузилма билан интеграция қилинади. Шунингдек, битта тортувчи нимстанция ҳам барпо этилиши кўзда тутилган.

Давоми 2-бетда

■ ЙЎЛОВЧИЛАР ПАРКИ ЯНГИЛАНМОҚДА

“ТЕМИРЙЎЛКАРГО” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ТОМОНИДАН УЧИНЧИ “HYUNDAI ROTEM” ПОЕЗДИ ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛТИРИЛДИ

“ТЕМИРЙЎЛКАРГО” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ТОМОНИДАН ЖАНУБИЙ КОРЕЯДАГИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ЗАВОДДАН ЎЗБЕКИСТОНГА НАВБАТДАГИ УЧИНЧИ “HYUNDAI ROTEM” ЮҚОРИ ТЕЗЛИҚДАГИ ЙЎЛОВЧИ ПОЕЗДИНИ МУЛЬТИМОДАЛ ЙЎНАЛИШ ОРҚАЛИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ЖАРАЁНИ ЯҚУНЛАНДИ.



Эслатиб ўтайтиш, мамлакатимиз темир йўл инфратузилмасини модернизация қилишга қаратилган ушбу лойиҳа доирасида дастлабки 7 та вагондан иборат поезд 2025 йил 10 декабрь куни Жанубий Корейанинг Чангвон шаҳридаги Масан портдан жўнатилган ва жорий йилнинг февраль ойида Ўзбекистонга муваффақиятли етказиб келинган эди.

Тўлиқ поезд таркибларини қитъаларо ташиш оддий юк етказиш жараёни эмас, балки юқори масъулият, аниқ мувофиқлаштириш ва мураккаб лойиҳа логис-

тикаси талаб этилувчи жараёндир. Мазкур ташув куйидаги муҳим логистик ечимларни ўз ичига олди:

- катта габаритли ва оғир вазнли вагонларни ташиш учун махсус автотранспорт воситалари ҳамда платформаларни жалб этиш;
- транзит давлатларда қайта юклаш ва ортиш пунктларида юкка зарар етказмайдиган махсус технологияларни қўллаш;
- транзит, сугурта ва божхона жараёнларини ягона узвий логистика занжирида мувофиқлаштириш.

Давоми 2-бетда

ОЧИҚ МУЛОҚОТ

ТАДБИРКОРЛАР МУРОЖААТЛАРИ ВА ТАКЛИФЛАРИ ЎРГАНИЛДИ

“Термиз минтақавий темир йўл узели” филиали бошлиғи Ғ.Мамадалиев раҳбарлигида “Сариосиё” станциясида тадбиркорлар билан очик мулоқот бўлиб ўтди.



Ушбу таклифлар “Термиз минтақавий темир йўл узели” филиали раҳбарияти ҳамда соҳа мутахассислари томонидан атрофлича ўрганилиб, тадбиркорлар билан доимий мулоқот ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш, юзага келаётган масалаларни биргаликда ҳал этиш борасида келишувларга эришилди.

Унда тадбиркорлар томонидан кўтарилган масалалар, амалиётда учраётган муаммолар ҳамда соҳани янада ривожлантиришга қаратилган таклифлар атрофлича муҳокама қилинди. Билдирилган муурожаатларни ўз вақтида кўриб чиқиш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш ва уларнинг ечими юзасидан амалий чоралар кўриш мақсадида тегишли масъулларга аниқ вазибалар белгилаб берилди.

Мазкур очик мулоқот давомида темир йўл транспорти хизматларидан фойдаланувчи тадбиркорлар томонидан юк ташиш жараёнларини янада такомиллаштириш, хизматлар сифатини ошириш ҳамда мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш юзасидан қатор таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

“ҚУМКЎРҒОН – ҚУДУҚЛИ” ТЕМИР ЙЎЛ УЧАСТКАСИ ЭЛЕКТРЛАШТИРИЛМОҚДА

Давоми. Бошланиши 1-бетда

– Шу кунга қадар мазкур лойиҳа доирасида салмоқли ва кўзга кўринарли ишлар амалга оширилди, – дейди “Термиз минтақавий темир йўл узели” филиалининг Рақамли медиа ва ахборот хизмати раҳбари Бурхон Нажмидинов. – Жумладан, контакт тармоғи таянчларини ўрнатиш учун 468 дона хандақ қазилди, 413 дона темир-бетон таянч ва устунлар ўрнатилди. Айтилган курилиш майдонларида 10 та махсус темир йўл ва автомобиль техникалари жалб этилган бўлиб, ишлар узлуксиз давом эттирилмоқда.

Келажақда ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши, темир йўл транспорти самарадорлигини сезиларли даражада ўзгартириши, поездларнинг ҳаракатланиш тезлигини ва етказиб бериш вақтини қисқартириш орқали мамлакатнинг транзит салоҳиятини янги босқичга олиб чиқади.

Хусусан, участканинг поездлар ўтказиш қуввати амалдаги 3,5 жуфт поезддан 17 жуфт поездгача етказилади. Бу эса ҳудуд орқали ўтувчи юк оқимларининг янада кўпайишига ва логистика имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилади.

Шунингдек, электрлаштирилган участка орқали поездларнинг ўртача оғирлиги 3 минг 200 тоннадан 5 минг 500 тоннагача ошади. Ушбу ҳудуддан ўтувчи шахарларо ва йўловчи поездларининг ҳаракат вақти 45 дақиқага, юк поездларининг ўз манзилига етиб бориш муддати эса 1 соат 15 дақиқага қисқаради.

“Термиз – Қудуқли” йўналишида қатновчи йўловчи поездларининг етиб бориш муддати эса 1 соат 30 дақиқагача камаяди.

Электр тортувиға ўтиш натижасида локомотивлардан фойдаланиш самарадорлиги 150 фоизга яхшиланади.

Энг муҳими, тепловозлардан чиқадиган зарарли чиқиндилар камайиб, ҳудуднинг экологик ҳолати сезиларли даражада яхшиланади. Бу эса “яшил иқтисодиёт” тамойилларини амалиётга татбиқ этиш ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги саъй-ҳаракатларга муносиб ҳисса бўлади.

Бундан ташқари, лойиҳа доирасида янги иш ўринларини яратиш, темир йўл хизматлари сифатини янада яхшилаш, юкларни етказиб бериш муддатларини қисқартириш ҳамда Сурхондарё вилоятининг туризм салоҳиятини ривожлантиришга олиб келади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, “Қумқўрғон – Қудуқли” темир йўл участкасини электрлаштириш лойиҳаси нафақат транспорт тизимини модернизация қилиш, балки ҳудуднинг иқтисодий ривожланиши, инвестициявий жозибадорлиги ва экологик барқарорлигини таъминлашда муҳим қадам бўлади.

Феруза ХУДОЙҚУЛОВА

“ТЕМИРЙЎЛКАРГО” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ТОМОНИДАН УЧИНЧИ “HYUNDAI ROTEM” ПОЕЗДИ ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛТИРИЛДИ



Давоми. Бошланиши 1-бетда

Ушбу муҳим жараёнда “Темирйўлкарго” акциядорлик жамияти халқаро мультимодал логистика оператори сифатида етакчи ролни бажарди. Ташувлар ишлаб чиқарувчи заводдан Ўзбекистондаги якуний манзилгача “эшикдан-эшиккача” тамойили асосида амалга оширилди.

Компания мутахассислари томонидан “Жанубий Корея – Хитой – Қозоғистон – Ўзбекистон” махсус транзит маршрути ишлаб чиқилди. Ушбу йўналишда денгиз, автомобиль ва темир йўл транспорти имкониятлари ягона самарали тизимга бирлаштирилди.

Замонавий “Hyundai Rotem” поездларининг Ўзбекистонга келтирилиши мамлакатимизда йўловчи ташиш хизматлари сифатини янги босқичга олиб чиқиш ҳамда ички туризм ривожига хизмат қилади.

ТАДБИР

ТЕМИРЙЎЛЧИЛАРГА МЕНИНГИТ КАСАЛЛИГИ ОҚИБАТЛАРИ ТУШУНТИРИБ БЕРИЛДИ

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти раҳбариятининг тегишли топшириғига асосан ходимлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, тиббий маданият ва санитария-гигиена кўникмаларини юксалтириш ҳамда юқумли касалликларни олдини олиш бўйича профилактик тадбирлар самарадорлигини ошириш мақсадида бошқарув аппаратида навбатдаги тарғибот-тушунтириш тадбири ташкил этилди.



таркибдаги бошқарма, марказлар ҳамда масъулияти чекланган жамияти ходимлари иштирок этди.

Тадбир давомида “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти Марказий поликлиника бош шифокор ўринбосари Хусан Кўчқоров ҳамда Эпидемиология бўлими мудираси Нигора Мусаева томонидан тушунтириш ишлари олиб борилди.

Мутахассислар томонидан юқумли менингит касаллигининг тарқалиш хавфи, унинг асосий аломатлари, касалликни олдини олиш чоралари

ҳамда профилактик эмлашнинг аҳамияти ҳақида батафсил маълумотлар берилди.

Шунингдек, ходимларнинг мавзу юзасидан қизиқтирган саволларига жавоб берилиб, менингит касаллигидан ҳимояланишда шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш ва профилактик эмлашнинг ўрни алоҳида таъкидланди.

Бундай тадбирлар ходимлар саломатлигини мустаҳкамлаш, касалликларнинг олдини олиш ҳамда соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этишга хизмат қилади.

Унда “Темирйўлфратузилма” акциядорлик жамияти



ХАЛҚАРО ЙОГА КУНИ

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ “CENTRAL PARK” (МАРКАЗИЙ БОҒ)ДА СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ, РУҲИЙ ХОТИРЖАМЛИК ВА ГЎЗАЛЛИК БАЙРАМИ БЎЛИБ ЎТДИ. БОҒНИНГ ЯШИЛ МАЙДОНЛАРИДА 1000 ДАН ОРТИҚ ЙОГА ИХЛОСМАНДЛАРИ ЖАМ БЎЛИБ, 12-ХАЛҚАРО ЙОГА КУНИНИ КЎТАРИНКИ РУҲДА НИШОНЛАДИЛАР.

СОҒЛОМ ҲАЁТ ҲАМДА УЗОҚ УМР КЎРИШ САНЪАТИ

Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамда Лал Баҳодур Шастри номидаги Ҳиндистон маданияти маркази томонидан Ўзбекистон Йога федерацияси ва Ўзбекистон Республикаси Спорт вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу тадбир мамлакатимиз тарихидаги энг йирик ва оммавий анжуманларидан бирига айланди.

Бу йилги Халқаро Йога куни “Соғлом ва фаол қариш учун Йога” шиори остида ўтказилди. Ушбу мавзу тадбир иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Чунки Йога – инсоннинг нафақат жисмоний фаоллиги ва куч-қувватини, балки умр давомида руҳий тетиқлик, ирода ва ҳиссий мувозанатни сақлашдаги ноёб хусусиятлари билан ажралиб туради.

Халқаро Йога куни “Hyatt Regency Tashkent” меҳмонхонасида давом эттирилди.

Тадбирни Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги элчиси Смитта Пант



очиб берди. Шунингдек, тадбиркор Нигора Ортиқхўжаева ҳамда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Ўзбекистондаги вакили доктор Ашеена Кҳалақдина Йога ва соғлом турмуш тарзининг инсон фаровонлигидаги аҳамияти ҳақида фикр билдирдилар. Конференция доирасида таниқли маънавий устоз Шри Матажи томо-

нидан ёзилган “Yoga for All” (“Барча учун Йога”) китобининг ўзбек тилидаги таржимаси тақдим этилди. Китоб Ўзбекистон Йога федерацияси томонидан таржима қилиниб, Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамкорлигида нашр этилди.

Тадбир давомида Ҳиндистоннинг таниқли кино актрисаси Ҳема Малинининг видеомурожаати ҳамда Ҳиндистон элчихонаси ва Ўзбекистон Йога федерацияси ўртасидаги соҳадаги ҳамкорликка бағишланган видеоларга намойиш этилди.

Конференциянинг асосий қисми икки панель муҳокамасидан иборат бўлди. Биринчи сессияда Наима Абдурахимова модераторлигида Фарангиз Шарипова, Камол Исломов ва Нодира Суржо Йога амалиётининг руҳий саломатлик, соғлом ҳаёт ва узоқ умр кўришдаги аҳамияти ҳақида маъруза қилишди. Шундан сўнг “Art of Living Foundation” – “Ҳаёт санъати” жамғармаси вакили Даршак Хатхи иштирокида медитация ва Йога машғулотлари ўтказилди.

Рустам ХАЙДАРОВ



■ ХУДУДЛАРДАН ХАБАРЛАР

ВОКЗАЛЛАР ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК ЛОЙИХАЛАРИ АСОСИДА БОШҚАРУВГА БЕРИЛАДИ



“Тошкент”, “Самарқанд”, “Бухоро”, “Хива” ва “Шахрисабз” темир йўл вокзаллари давлат-хусусий шериклик лойиҳалари асосида реконструкция қилиниб, бошқарувга берилди. “Темир йўл вокзаллари” масъулияти чекланган жамиятида Осие тараққиёт банки вакиллари ҳамда халқаро экспертлар ва консультантлар иштирокида учрашув бўлиб ўтди. Унда Транспорт вазирлиги Темир йўл транспорти модернизация қилиш, инвестицияларни жалб этиш, хизматлар сифатини халқаро стандартлар асосида ривожлантириш ҳамда давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини самарали амалга ошириш бўйича ўз тавсия ва таклифларини билдирдилар.



Мазкур учрашувда “Тошкент”, “Самарқанд”, “Бухоро”, “Хива” ва “Шахрисабз” темир йўл вокзалларини давлат-хусусий шериклик лойиҳалари асосида реконструкция қилиш ва бошқарувга бериш, лойиҳаларнинг жорий ҳолати ҳамда истиқболдаги вазифалар муҳофизат қилинди.

Йиғилишда хорижий экспертлар “Zoom” платформаси орқали иштирок этиб, темир йўл вокзалларини модернизация қилиш, инвестицияларни жалб этиш, хизматлар сифатини халқаро стандартлар асосида ривожлантириш ҳамда давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини самарали амалга ошириш бўйича ўз тавсия ва таклифларини билдирдилар.

Томонлар темир йўл вокзалларини замонавий транспорт ва сервис марказларига айлантириш ҳамда лойиҳаларни муваффақиятли амалга ошириш юзасидан ҳамкорликни давом эттиришга келишиб олдилар.

ТЕМИР ЙЎЛДА ТАЪМИРЛАШ ВА ЯНГИДАН ҚУРИШ ИШЛАРИ АМАЛГА ОШИРИЛДИ

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси ўринбосари А.Камилджановнинг 165-ЙХ-сонли фармойишига асосан, 2026 йил 19 июнь кuni соат 08:00 дан 20 июнь кuni соат 08:00 га қадар 24 соат давомида “Қарши минтақавий темир йўл узели” филиали тасарруфидаги “Гумбаз” – “Улус” ҳамда “Қашқадарё” – “Қарши” темир йўл станциялари оралиғида жойлашган сунъий иншоотларни капитал таъмирлаш ва янгидан қуриш ишлари амалга оширилди.



Мазкур ишлар темир йўл инфратузилмасининг техник ҳолатини яхшилаш, ҳаракат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, поездлар ҳаракатининг узлуксизлиги ва ишончилигини таъминлаш мақсадида олиб борилди.

Фармойиш ижросини сифатли ва белгиланган муддатларда бажариш учун тегишли соҳа раҳбарлари, мутахассислар ҳамда корхона ва ташкилотлар ходимлари жалб этилган. Иш жараёни тасдиқланган график ва технологик талаблар асосида ташкил этилиб, барча масъ-



ул ходимлар томонидан меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилиниши назорат қилинди.

Белгиланган ҳудудларда тайёргарлик, демонтаж, монтаж ҳамда қурилиш-таъмирлаш ишлари жадаллик билан давом эттирилди.

“КЎҚОН МИНТАҚАВИЙ ТЕМИР ЙЎЛ УЗЕЛИ” ФИЛИАЛИДА КИТОБЛАР ЯРМАРКАСИ ЎТҚАЗИЛДИ

“ТемирйўлИнфратузилма” акциядорлик жамияти тизимида мутолаа маданиятини юксалтириш ва ёш ходимларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор қартилмоқда.



Шу муносабат билан Кўқон минтақавий темир йўл узели филиалида Ёшлар етакчилари кенгаши ташаббуси билан китоблар ярмаркаси ўтказилди.

Ярмарка доирасида узелнинг Рақамлаштириш ва ахборот хавфсизлиги бўлими бошлиғи Жавоҳир Абдусалимов ўзининг ижод мақсули бўлган илк шеърини тўпламидан 10 донна китобни ярмарка фондига тўхта қилди. Бу каби тадбирлар темирйўлчилар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш ва ёш истеъодларни қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этади.

Китоб ўқинг, зеро китоб – маънавият ва тарққиёт калитидир.

ТЕМИР ЙЎЛНИ КЕСИБ ЎТИШ УЧУН ХАВФСИЗ ЙЎЛ

Юқори тезликдаги йўловчи поездлари ҳаракатланувчи темир йўл участкаларида аҳоли ва чорва молларининг темир йўлларни хавфсиз кесиб ўтишини таъминлаш мақсадида бир қатор ишлар қилинмоқда.



“Тошкент минтақавий темир йўл узели” филиалига қарашли “Янги йўл – Пахта” темир йўл станциялари оралиғи тоқ йўлининг 3403-километр 6-пикетида, темир йўл остидан темир бетон туннелини қуриш ишлари амалга оширилди.

Ушбу темир йўл остидан ўтаётган туннель Тошкент темир йўл масофаси филиали корхонасининг тажрибали мутахассислари томонидан махсус турдаги техникалардан фойдаланган ҳолда қурилмоқда. Иш жараёни, 8 соатлик ажратилган “оқно” вақтида меҳнат муҳофазаси ҳамда поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлаган ҳолда бажарилмоқда.

ИШОНЧ ВА РАҒБАТ УЧРАШУВИ

Юртимизда Президентимиз раҳнамолигида олиб борилаётган ёшларга оид давлат сиёсатининг туб моҳияти – ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларга кенг имкониятлар эшигини очишдан иборатдир.



Ушбу эзгу тамойилнинг амалий ифодаси сифатида “Кўқон” локомотив депоси филиалида узел ёш ходимлари иштирокида “Раҳбар ва ёшлар” учрашуви бўлиб ўтди.



Фаргона транспорт прокурори, адлия маслаҳатчиси И.Ақбаров ҳамда “Кўқон минтақавий темир йўл узели” филиали бошлиғи Б.Милладжанов раислигида ўтган очиқ мулоқотда ёшларнинг ташаббуслари тингланди ва истиқболдаги режалар белгилаб олинди.



Тадбир якунида ишлаб чиқаришда ва жамоат ишларида алоҳида фидойилик кўрсатаётган бир қатор ёш темирйўлчилар раҳбарият томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Бундай юксак эътибор ва ишонч ёшларимизни янги марралар сари ундаши шубҳасиз!


ЭКСПОРТ ҚИЛУВЧИ КОРХОНАЛАР ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОКИДА УЧРАШУВ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

“Темирйўлкарго” акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг мультимодал ва халқаро ташувлар бўйича ўринбосари О.Жабаров бошчилигида “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси ҳамда йирик қурилиш маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи ва экспорт қилувчи корхоналар вакиллари иштирокида амалий учрашув ташкил этилди.



Бугунги кунда юк вагонларига бўлган талабнинг узлуксиз ортиб бораётганини ҳисобга олган ҳолда, мавжуд ресурсларидан унумли фойдаланиш ҳамда маҳаллий экспортёрларни қўллаб-қувватлаш масалалари кун тартибидagi асосий мавзу бўлди.

Учрашув давомида экспорт қилувчи корхоналарга қулайликлар яратиш мақсадида “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси З.Нарзуллаев томонидан жорий этилган янги тартиблар муҳофизат қилинди.



Хусусан, Афғонистон давлатига цемент маҳсулотларини ярим очиқ вагонларда “Big bag” қоғларга жойлаган ҳолда ташиш бўйича белгиланган махсус имтиёзлар ва уларни амалиётга татбиқ этиш юзасидан иштирокчиларга батафсил тушунтиришлар берилди.



Мазкур имтиёзларнинг жорий этилиши қурилиш материаллари экспорти ҳажминини ошириш, вагонлар тақчиллигининг олдини олиш, логистика харажатларини мақбуллаштириш ва Афғонистон бозорига маҳсулот етказиб бериш жараёнида сезиларли даражада тезлаштиришга хизмат қилиши алоҳида таъкидланди.



STADLER И ARST ПОКАЗАЛИ ПЕРВЫЙ В МИРЕ КОММЕРЧЕСКИЙ ВОДОРОДНЫЙ ПОЕЗД УЗКОЙ КОЛЕИ

Компания Stadler и пассажирский оператор ARST, выполняющий региональные перевозки на итальянском острове Сардиния, представили первый в мире поезд с питанием от водородных топливных элементов для линий узкой (950 мм) колеи. Презентация состоялась на пути приемочного цеха предприятия Stadler в коммуне Эрлен (Швейцария). С 2028 г. такие поезда будут курсировать по линиям Сардинии.



К настоящему времени оператор ARST заказал 10 водородных поездов. Рамочный договор со Stadler совместно подписали ARST и оператор Ferrovie della Calabria (FdC), отвечающий за пассажирские перевозки в регионе Калабрия. Осенью 2025 г. Stadler заключила еще один контракт в Италии на поставку двух подобных поездов для Сицилии.

С пуском 10 водородных поездов на Сардинии ежегодные выбросы углекислого газа сократятся на 2100 т по сравнению с использованием дизельной тяги. В состав двухвагонного поезда включена дополнительная промежуточная секция, где размещается силовая установка с топливными элементами, накопителями на аккумуляторных батареях и тяговым оборудованием. Водород для заправки поезда будет производиться исключительно с использованием энергии от солнечных электростанций.

Для удовлетворения требований эксплуатации на итальянских линиях узкой колеи поезд имеет облегченную конструкцию. Его вагоны с пониженным уровнем пола во входной зоне оборудованы системами кондиционирования и панорамными окнами.

КОНСОРЦИУМ ВО ГЛАВЕ С ALSTOM МОДЕРНИЗИРУЕТ ДВА КОРИДОРА В ЕГИПТЕ

Возглавляемый французской Alstom консорциум с участием египетских компаний Rowad Modern Engineering и Concrete Plus заключил с Государственными железными дорогами Египта (ENR) четыре контракта, охватывающих модернизацию двух стратегически важных для этой страны коридоров. Один из них проходит от Города им. 6 октября (входит в состав Большого Каира) к Александрии, второй соединяет промышленные центры Бильбейс и Эль-Ашир-мин-Рамадан на северо-востоке от столицы. Общая сумма контрактов составляет примерно 690 млн евро, доля Alstom – около 300 млн евро.



Основной объем работ приходится на коридор Город им. 6 октября – Александрия, где они будут выполнены по трем лотам суммарной стоимостью 550 млн евро (доля Alstom – 240 млн евро). Здесь будут внедрены цифровые системы сигнализации нового поколения, обновленные средства связи и устройства электроснабжения. Предусмотрены также реконструкция искусственных сооружений и путевой инфраструктуры. Модернизация этого коридора протяженностью около 200 км позволит сократить время в пути между двумя городами почти на 80 мин.

Оба коридора будут оснащены европейской системой управления движением поездов ETCS уровня 1.

KNORR-BREMSE: 5-ЛЕТНИЙ ДОГОВОР НА ПОСТАВКУ СИСТЕМ ЖАТ В ВЕЛИКОБРИТАНИЮ


Компания Knorr-Bremse Rail Systems UK (британское подразделение немецкого концерна Knorr-Bremse) заключила с инженеринговой компанией AtkinsRéalis 5-летний рамочный договор на поставку средств ЖАТ на технологической платформе ElectroLogIXS, включая системы централизации, сигнализации на перегонах и переездах, а также объектные контроллеры. Все они сертифицированы на соответствие уровню безопасности SIL4 и имеют допуск к эксплуатации от компании Network Rail – оператора инфраструктуры железных дорог Великобритании.



Согласно договору, компания AtkinsRéalis возьмет на себя проектирование, системную интеграцию, развертывание и ввод в эксплуатацию комплексных систем управления движением поездов на основе платформы ElectroLogIXS в Великобритании. Тем самым Knorr-Bremse сможет укрепить позиции на британском рынке ЖАТ и участвовать в реализуемых компанией Network Rail проектах обновления и модернизации систем сигнализации.

Технологическая платформа ElectroLogIXS изначально разработана американской корпорацией General Electric, которая в середине 2010-х годов передала свой бизнес в сфере систем сигнализации французской Alstom. Концерн Knorr-Bremse купил североамериканский бизнес ЖАТ компании Alstom в 2024 г.

■ ДОНОЛАР ХАЗИНАСИДАН



Алҳосил, тарбия бизлар учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидур.

Илм деб ўқимак, ёзмакни яхши билмак, ҳар бир керакли нарсаларни ўрганмакни айтилур. Илм дунёнинг иззати, охиратнинг шарофатидур. Илм инсон учун ғоят олий ва муқаддас бир фазилатдур.

Жаҳолат деб ўқимаган, билимсиз ҳеч нарсага тушунмайдурган нодонлигини айтилур. Жаҳолат инсониятнинг энг зўр душмани ва ёмон ҳуқларнинг бошлиғидур.

Абдулла Авлонийнинг
“Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ”
асаридан иқтибослар

Ақл ва донолик бизга зарур бўлмаган ёшда насиб этади

Осон қўлга киритилган бахт узоқ давом этмайди.

Ақл ва донолик бизга зарур бўлмаган ёшда насиб этади.

Табассум қил! Дардинг сендан лаззатланишига йўл қўйма!

Бошқаларнинг сени қандай қабул қилишгани каби бўлмасликнинг иложи йўқ.

Яшашнинг ягона воситаси – хотираларинг бўғзингдан олишига имкон бермасликдир.

Ўлим инсонни вақти етганида эмас, кучи етганида махв этади.

Адабиёт – инсонлар билан ҳазиллашиш учун энг яхши томошадир.

Хато қилиш инсонга хос хусусият, ўз хатоингни бошқа бировга тўнқай олиш эса икки қарра ўзига хос хусусиятдир.

Агар қайсидир ишга аёл аралашган бўлса, аминманки, ҳаммаси яхши бўлади. Менга бари кундек равшан, дунёни аслида аёллар бошқаради.

Ҳамма юксаликда яшашга интилади, англашмайдики, асл бахт ўша юксаликка чиқиш лаҳзаларидадир.

Яхши иштаҳа учун ёмон овқат бўлмайди.

Ўзи билан ўзи зиддиятга бормайдиган ёзувчи асл ижодкор эмасдир.

Ҳаммаси тугагани учун йиғлама, яхшиси жилмай, чунки ҳар ҳолда булар юз берди.

Кексаликнинг ягона сири ёлғизлик билан келиша олишдадир.

Габриэль Гарсиа Маркес
иқтибосларидан

■ ЁЗ – ЎТМОҚДА СОЗ!

ОРОЛБЎЙИ БОЛАЖОНЛАРИНИНГ ҚУВНОҚ КУНЛАРИ: ҚИБРАЙДА УНУТИЛМАС ТАДБИР

ИНСОН ҚАДРИ, МЕХР-ОҚИБАТ ВА ҒАМХЎРЛИК УСТУВОР БЎЛГАН ЮРТИМИЗДА ЎСИБ КЕЛАЁТГАН ЁШ АВЛОДНИНГ СОҒЛОМ УЛҒАЙИШИ ВА МАРОҚЛИ ҲОРДИҚ ЧИҚАРИШИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОР МАРКАЗИДА БЎЛИБ КЕЛМОҚДА.



Айниқса, экологик жиҳатдан мураккаб ҳудуд ҳисобланган Оролбўйи воҳаси фарзандларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг қалбига қувонч улашиш бугунги куннинг энг хайрли ва фазилатли амаллардан биридир. Ана шундай эзгу мақсад йўлида Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти темир йўл минтақавий ташкилоти томонидан “Қибрай” болалар соғломлаштириш оромгоҳида дам олган болажонлар учун ажойиб байрам тадбири ташкил этилди.

Тошкент вилоятининг хушхаво ва сўлим гўшасида жойлашган мазкур масканда Оролбўйи ҳудудидан келган 445 нафар темирйўлчи фарзандлари беғубор ёшлик гаштини суришиди. Ташкилотчилар томонидан тайёрланган ушбу тадбир узоқ ҳудуддан келган болажонлар қалбига илиқлик ва унутилмас лаҳзаларни бағишлади. Байрам дастури довомида оромгоҳ майдони болаларнинг шўх кутилари, қувноқ олқишлари ва ижодий жўшқинлиги билан тўл-

ди. Тадбир доирасида ташкил этилган турли беллашувлар орқали болажонлар ўзларининг бор истеъдод ва қобилиятларини намойиш этиш имкониятига эга бўлдилар. Хусусан, расм чиқиш танловида жажжи қалб соҳиблари ўз орзуларидаги замонавий поездлар, мусаффо осмон, яшил табиат ва бахтли болалик тасвири оқ қоғозга муҳрадилар. Уларнинг чизган суратларида келажакка бўлган умид ва олам-олам орзулар акс этган бўлса, зийраклик ва зукколик баҳсида ўғил-қиз-

лар ўз билимларини синовдан ўтказиб, ҳар бир қизиқарли саволга тез ва аниқ жавоб беришга интилдилар. Оромгоҳ бўйлаб янграган шеърият дақиқалари эса даврага ўзгача файз ва шукуҳ бағишлади. Болалар томонидан Ватан, она ва гўзал табиат ҳақида ижро этилган энг сара шеърлар йиғилганларнинг қалбини тўлқинлантириб, уларга маданий завқ улашди. Ушбу тадбирнинг энг диққатга сазовор бўлган жиҳати шундаки, унда ғолиблар ва мағлублар ажра-

тилмади. Зеро, болалик дунёсида мағлубликка ўрин йўқ, ҳар бир бола эътибор ва рағбатга лойиқдир. Ташкилотчилар томонидан тадбирнинг барча иштирокчилари совғалар билан тақдирланди. Бу болаларнинг юзида янада порлоқ табассум ва чексиз қувонч порлашига сабаб бўлди. Нафақат дам олиши, балки маънавияти ва дунёқараши ҳам юксалаётган Оролбўйи болажонларининг Қибрай бағридаги қувноқ кунлари уларнинг хотирасида бир умрга муҳрланиб қолиши

шубҳасиз. 23 июнь куни ушбу оромгоҳда 1-мавсум якунланди. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидан келиб, мароқли дам олган соҳа фарзандларини кузатиш маросими ҳам байрам тадбирига айланиб кетди. Уларнинг ҳар бирига махсус совғалар берилиб, манзилга поездда тантанали кузатиб қўйилди. Болалари бахтиёр юртининг келажаги ҳам ҳаммиса ёруғ, барқарор ва фаровон бўлаверади.

■ БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

УЗОҚ УМР КЎРИШ УЧУН ЁРДАМ БЕРАДИГАН 5 ТА ФОЙДАЛИ ОДАТ

МУАЙЯН ОДАТЛАРГА РИОЯ ҚИЛИШ ҲАЁТНИ СЕЗИЛАРЛИ ДАРАЖАДА УЗАЙТИРИШИ МУМКИН, ЧУНКИ ТАДҚИҚОТЛАР КЎРСАТИШИЧА, ИРСИЯТ ВА ГЕНЛАР ИНСОН УМРИНИНГ АТИГИ 25 ФОИЗИГА ТАЪСИР КЎРСАТАДИ. ҲАЁТНИ ҚАНДАЙ ТАРЗДА ЎТКАЗИШ ВА КУНДАЛИК СОҒЛОМ ОДАТЛАР УЗОҚ УМР КЎРИШНИНГ АСОСИ САНАЛАДИ.



“The Conservation” академик нашрининг тиббиёт мутахассислари ушбу мавзуда кенг камровли тадқиқотлар ўтказди. Демак, узоқ умр кўриш учун қуйидаги 5 та одат энг самарали ҳисобланади.

МУЛОҚОТ ҚИЛИШ

Аниқланишича, инсон саломатлиги учун нафақат унинг жисмоний ҳолати, балки ҳиссий ва психологик ҳолати ҳам жуда муҳим. Статистик маълумотлар кўрсатишича, ёлғиз яшайдиган инсонларда эрта ҳаётдан кўз юмиш эҳтимоли юқори. Шунингдек, атрофдагилар билан камдан-кам мулоқот қиладиган шахсларда юрак хасталикларини, инсульт, деменция ва

депрессия бўлиш эҳтимоли анча катта. Шунинг учун соғлом бўлишда инсон ўзини руҳан яхши ҳис этиши ва мулоқот қилиши зарурдир.

СПОРТ БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШ

Мунтазам жисмоний машқлар организмдаги стресс даражасини пасайтиради ва инсоннинг психологик ҳолатини яхшилайди. Бундан ташқари, жисмоний фаоллик сизнинг вазнингизни назорат қилишга ёрдам беради ва қон айланишини нормаллаштиради. Аммо буларнинг барига фақат профессионал спорт билан шугулланиш орқали эришилади, деб ўйлаш хато. Кун тартибига ҳеч бўлмаса бир неча километр пиёда юриш одатини киритинг. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ҳар бир қўшимча машқ дақиқаси ҳаракатсизликда ўтказиладиган вақт хавфини камайтиради.

ТЎҒРИ ВА ФОЙДАЛИ МАҲСУЛОТЛАР ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШ

“Биз нимани есак, ўшамиз” ибораси ҳеч қачон ўз кучини йўқотмайди. Дарҳақиқат, истеъмол қилинадиган ҳар бир маҳсулот ва таом соғлигимизга ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, табиий маҳсулотларни истеъмол қиладиган инсонлар узоқ умр кўради ва соғлиқ билан муаммоларга кам учрайди. Кўпроқ мева, сабзавот, дон маҳсулотлари ва ёнғоқлардан иборат мувозанатли парҳез умумий умр кўриш давомийлигини сезиларли даражада ошириши мумкин.

ВАЗНИ МЕЪЁРДА УШЛАШ

Ортиқча вазн кўплай жиддий муаммоларга олиб келиши барчамизга маълум: қандли диабет, инсульт, юрак касалликлари,



гипертония ва бошқалар. Ортиқча вазн туфайли бутун танангиз азобланади ва ички аъзоларингизга оғир юк тушади. Шунинг учун фойдали озиқ-овқатларни кўпроқ истеъмол қилиш тавсия этилади. Ёғли ёки қайта ишланган маҳсулотлар ва спиртли ичимликларни рациондан чиқариш лозим.

ЧЕКИШНИ ТАШЛАШ

Чекиш биринчи навбатда ўпкага салбий таъсир қилади, деб ўйлаймиз. Аслида эса никотин инсоннинг бар-

ча органлари фаолиятини бузади. Чекиш ўпка саратонининг 90 фоизи ва ўпка касалликларидан ўлимнинг деярли ярмининг сабабиндир. Гарчи ўпка тамакиннинг зарарини ўз зиммасига олган бўлса-да, чекиш одатда қариш жараёнини тезлаштиради. Бу бошқа кўплай саратон касалликлари, шунингдек, юрак касалликлари, инсульт ва деменция каби бошқа касалликлар хавфини оширади.

Чекувчиларнинг ёши каттароқ кўринади: тамакиннинг юққалашшига,

ажинлар пайдо бўлишига, сочларнинг оқариб, тўкилишига олиб келади. Тамаки тутунини мутақияга олиб келадиган юзлаб заҳарли кимёвий моддалар мавжуд. ДНКда улар чекувчилар ўпкасининг шиллиқ қаватида саратоннинг ўзига хос мутақия белгисини қолдиради.

Узоқ йиллардан бери чекадиган инсонлар ҳам бу зарарли одатни ташлаши мумкин. Замонавий тиббиётда ҳозирда никотинга қарамликдан ҳалос этиладиган кўплай усуллар мавжуд.



МУАССИСЛАР:

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти, Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика Кенгаши

Тахрир кенгаши:

Раматов А.Ж. Нарзуллаев З.Ф. Сабиров Қ.С. Юсупов Ж.З. Балтабаев А.А.

Бош муҳаррир
Рустам ҲАЙДАРОВ

Мусаҳҳиҳ –
Умида ТҮЙЧИБОЕВА

Саҳифаловчи –
Гулзода БОЛТАЕВА

Фотомухбир – Ёқубжон МУРОТОВ

Манзилимиз: 100047, Тошкент ш., Амир Темур шоҳ кўчаси, 4-уй.
Бош муҳаррир: (71) 236-49-97 (4-49-97)
Қабулхона: (71) 236-48-92
Мухбирлар: (71) 236-48-71

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0139-рақам билан 2007 йил 11 январда рўйхатга олинган.

Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди
ISSN: 2181-6158

Буюртма Г-634 Босишга топширилди: 19:30 1 2 3 4 5 6